

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1986 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 114 (6.005) • 1986 йил 19 май, душанба • Баҳоси 3 тийин.



КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ— ХАЁТГА

Сифатли ва унумли

Тошкент авиакорхонаси коллективи интизом ва тарғибни мустаҳкамлаш туғайли хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, таълимлашга юк оборотини кўпайтиришга эришмоқда. Бунга тўрт ойлик натижаларни нисол келтириш мумкин. Меҳнат унвондорлигини ўстириш планни 11,4 процент ошириб уудаланди. Планга қўшимча 1000 тоннадан зиёд почта, 300 тоннадан зиёд халқ хўжалиги юклари, 50 минг пассажир манзилга элтиб кўйилди. 110 тонна ёнгини тежаб қолди.

КПСС XXVII съездининг ишлаб чиқариш самаралдорлигини ошириш, жадаллаштириш ва иқтисод режими кучайтириш тўғрисидаги қарорларини турмушга жорий қилиш учун бошланган социалистик мусобақада В. Несветий, В. Гаврилов, А. Сливкин етакчилик қилаётган авиаторлар экипажлари пешқадамлик қилишмоқда. Уларнинг сифатли ва унумли тажрибасини бошқа коллективлар ҳам ўрганишлпти. Бу корхонанинг умумий кўрсаткичларини бойитмоқда.

Меҳнатни шарафлаймиз

Совет кишиларининг меҳнатсаварлиги ва истеъдоди — қўйилган мақсадга эришишнинг ҳал қилувчи шартидир. Энди иш ана шу буюк кучни моҳирлик билан ташкил этиш, аниқ йўлга солиб туришда қолди. Шунинг учун ҳам бу жабҳада социалистик мусобақанинг роли фоят каттадир. У иш сифатини оширишга, иқтисод ва тежамкор-

ликка, ҳар бир коллективда, ҳар бир иш жойида белгиланган марраларга эришишга қаратилмоғи керак. Ғайрат-ташаббус ва тобора ортиб бораётган маҳорат бизнинг ишончли таянчимиз бўлиб хизмат қилиб келди ва аминимизки, бундан буён ҳам хизмат қилаверади.

(КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVII съездида Сийсий докладидан).

● Маълумот учун. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон қасаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКММ Марказий Комитетининг кўмаги билан байроғини сурункасига тўққиз йилдан буён Ҳамза району меҳнат-наткашлари олишга сазовор бўлмоқдалар. Улар республика социалистик мусобақасида эришган ютуқлари учун ана шундай тақдирланяптилар. Ҳамза районлари 1985 йил якуниларига кўра шаҳарнинг 10 та райони орасида энг илғор деб топилди. Ҳамза районда «Ташсельмаш» заводи, кўприк темир-бетон конструкциялари заводи, 1-уйсозлик комбинати, «Подъёмник» бирлашмаси ва бошқа корхоналарда ўн минглаб ишчи ва хизматчи меҳнат қилмоқда.

«Роҳат» дам олиш зонаси. Кеча бу оромгоҳ ўзгача фойда касб этди. Ҳамза району меҳнатчилари бу ерда анъанавий «Меҳнатни шарафлаймиз» байрамга келдилар. Ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили биринчи квартал социалистик мусобақаси шунинг кўрсаткичи, район беш йилликнинг дастлабки йилини яхши бошлади. Ишлаб чиқариш илгорлари бундай оммавий учрашувда ҳамкасблари билан бафурча суҳбатлашиб, баҳам кўрса арзийдиган ютуқларни бор.

Ҳамза район партия комитетининг биринчи секретари Ф. Н. Нажмитдинов йилгиланган меҳнатчиларини социалистик мусобақада эришган муваффақиятлари билан табриклиди. У социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш учун бораётган кураш шароитларида социалистик мусобақа янги аҳамият касб этаётганлиги, сифатли ва унумли

ўзининг шахсий ютуқлари ҳақида кўп гапирмайди. Бригада қанчалик ютуқларга эришса, бу албатта унинг раҳбари ишчанлигини кўрсатади.

Абдували Раҳмонов Мирзаев — кўприк темир-бетон конструкциялари заводининг 1-цехи мастер бригадир. Ишлаб чиқаришда обрў ортирган Вера Константиновна Алексеева ҳам бетон қорши узелида оператор бўлиб ишлайди. Улардан барча ибрат олса арзийди.

— Ёшлар бизнинг муносиб ўринбосарларимиз, биз уларга ҳамisha қасб-маҳоратимизни ўргатмоғимиз керак, — дейишди улар.

Музыка ва қўшиқлар янграб, авжга чиқмоқда. Артистлардан Надежда Чурадаева, Қозим Қанонов, Шўрат Расулов, Гули Мусаева ва бошқалар ўз маҳорати билан завқ бахш этишди. Бу концерт меҳнат илгорларининг буюртмасига биноан тайёрланди. Шунингдек шахар пионерлар уйи болалари ва 394-болалар богчасининг «Ором» ансамбли ўз концерти билан ҳам дам олувчиларни мамнун этди.

Ҳамза районда беш йиллик қизгин бошланди. Унинг меҳнатчилари беш йилликнинг биринчи йилини муваффақиятли якунлаш мақсадида бор имкониятларини сафарбар этмоқдалар ва КПСС XXVII съезди қарорларини оғишмай амалга оширмоқдалар.

Йилгиланганларга концерт қўйиб беришди. Бу ерда «Буревестник» кўнгилли спорт жамиятининг спортчилари намунали машқларни кўрсатдилар. Байрам қатнашчилари «Меҳнат резервари» кўнгилли спорт жамиятида ташкил этилган республика хўна-техника билим юртлари ўқувчиларининг илмий техника ижоди кўргазмасини бориб кўришди.

концерт қўйиб беришди. Бу ерда «Буревестник» кўнгилли спорт жамиятининг спортчилари намунали машқларни кўрсатдилар. Байрам қатнашчилари «Меҳнат резервари» кўнгилли спорт жамиятида ташкил этилган республика хўна-техника билим юртлари ўқувчиларининг илмий техника ижоди кўргазмасини бориб кўришди.

«Ишчи — шарафли ном»

М. Горький номидаги маданият ва истироҳат богида ана шундай шор остида қасаба йўналириш ойлигининг якунига бағишланган байрам ўтказилди. Унда Тошкент шаҳридаги ўрта мактаб ва хўна-техника билим юртларининг ўқувчилари иштирок этишди. Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси, КПСС XXVII съездининг делегати, Евгений Губина ишчи қасаби ҳақида сўзлаб берди. Езги кинотеатр олдида хўна-техника билим юртлари ўқувчиларининг илмий-техника ижоди кўргазмаси ташкил этилди. Унга янги агрегатлар, дастоҳлар, иш жиҳозлари қўйилган эди.

Шаҳарда ўтказилган бадий ҳаваскорлик тўғараклари кўрик-конкурсининг ғолиби 36-ўрта хўна техника билим юртларининг агитбригадаси қатнашчилари



Бугун—В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионер ташкилоти ташкил топган кун

Бахтиёрлар байрами

— Совет Иттифоқи Коммунистк партияси иши учун бўл тайёр!

Оташ бу сўзлар ленинчи пионерларнинг шiori. Улар дохйи васиятларига амал қилиб, чин пионерлик сўзларини ишлари билан амалда иботлашмоқда, ленинка яшаш, аъло ўқиш ва курашишда тендошларига намуна бўлишмоқда. Шаҳримизда кўп сон-

ли пионерлар қатори шаҳримиздаги Совет Иттифоқи Қарамони Виктор Малысов номи 43-мактаб пионерлари ҳам ўз байрамлари — В. И. Ленин номи Бутуниттифоқ пионер ташкилоти туғилган кунни қизгин кутиб олишди.

СУРАТДА: 43-мактаб пионерлари ўз байрамларини шодоналик билан ўтказишди.

М. Нуриддинов фотоси.

Тошкент—жаҳонга

Х а ё т м а д ҳ и

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти Совет Ўзбекистони ютуқларини чет элларда намойиш этишда бир қатор ибратли тадбирларни амалга оширмоқда. Бу борада жамиятининг фотолар лабораторияси коллектив ташкил этаётган кўргазмалар ёркин далил бўлади. Устахона ходимлари Ангола, Конго, Аргентинада намойиш қилиш учун «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси» деб номланган фотокўргазмани тайёрлаб, жўнатишга ҳозирлади.

Бундан ташқари тайёрланган ана бир кўргазма «Тошкент—дўстлик ва қардошлик шаҳри» деб аталади. У 1986 йилда рўй берган табиий офат—зиқилда содир бўлиши ва шундан кейин орадан ўтган йигирма йил мобайнида шахримиз қиёфасининг таниб бўлмас даражада ўзгарганлиги ҳақида ҳикоя қилади.

Кейинги кўргазма 120 мусхала тайёрланди. Бу шунча мамлакатда намойиш этилади демакдир. Бу кўргазмадан мамлакатимизнинг барча қардош республикалари қурилиш-монтаж поездлари коллективлари Тошкентда бунёд этган янги-янгидек массивлар, кўпгина бинолар акс эттирилган. Чет эл томошабинлари йигирма йил мобайнида Тошкентимизда қад кўтарган «Ўзбекистон», «Москва» меҳмонхоналари, Тошкент Давлат цирки, Кино уйи, Республика Рассомлар союзининг кўргазмалар зали, Москва бунёдкорлари қурган осмонлар уй-жой бинолари ва кўпгина иншоотлар билан танишди.

Фотоустахона ходимлари бу кўргазмани испан, француз, инглиз, немис, рус тилларида тайёрлади.

Шунингдек 1986 йил охиригача чет элларга «Жаҳонда тинчлик бўлсин» ва Улуғ Октябр Социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишлаб «Октябрда туғилган ҳаёт» кўргазмаларини ҳам чет элларга тайёрлаб юборадилар.



Тошкент Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари IX Халқаро кинофестивалига тайёр



Тошкент Халқаро кинофестиваль меҳмонларини кутиб олмақда.

Т. Каримов фотолари.

Кинофестивалга атаб

Ориқиб қўтилган аjoyиб дамлар яқинлашмоқда. Эртага Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг IX Халқаро Тошкент кинофестивали очилади. Фарғонадаги Тошлоқ тик-

увчилик фабрикаси чеварлари фестивалга қатнашчилар учун дастлабки туркум совгани берди. Довруғи кетган ўзбек атласидан тайёрланган янги моделдаги 40 та қизлар кўйлаги Тошкентга келтирилди. Бу кўйлак кинофестиваль қатнашчиларига совға этилади.

Фабрика чеварлари тайёрлаётган аёлларнинг атлас кўйлаклари, ўғил ва қиз болаларининг ички кийимлари, атлас ёстиқчалар ва геолог-



«Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида хотин-қизларнинг миллий кўйлаклари, чақалоқлар учун комплектлар, ўкувчи қизларнинг кўйлаклари ва бошқа буюмлар тайёрланади. Корхонада ўз касбига ихлос қўйган кўйлаб чеварлар меҳнат қилишади. Шулардан бири ёш тикувчи Гулчеҳра Мирза-замоведир. Унинг бу ерда меҳнат қилаётганига атиги икки йил бўлди. Аммо у қисқа вақтда тикувчилик касбининг сир-асрорларини пухта

эгаллаб олди. Бунинг боиси бор. Гулчеҳра корхонага келгунга қадар Йўлдош Охунбоев номидаги Маданият уйи қошидаги тикувчилик ва каштачилик тўғраидада шуғулланган. Ёш чевар меҳнат интизомига қатъий риоя қилган ҳолда ташаббус билан меҳнат қилади. Ҳозир Гулчеҳра бирлашманинг 4-цехида меҳнат қилиб, смена топшириқларини мунтазам ортиғи билан адо этаётти.

Бўёқларда—анжуман жилолари

Тошкент уч қитъа кинематографчиларини кутиб олмақда. Ўзбекистон пойтахтининг сўлим кўча ва ҳибоблари фестивал жилоларига йўғрилган. Шаҳрини фестивалга мослаб жиҳозлаш-монтаж ишлари тугалланяпти.

Меҳмонларни Тошкент аэропорти оstonасидеёқ киносанъати байрами қайфияти кутиб олади. «Тошкент — 2» аэропорти пештоқини фестивал эмблемаси тасвирланган ланго безади: бу ердан анжуман марказигача бўлган йўл ёқалари шiorлар ва қўлловларга бурканди. «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройи, Санъат саройи ва Кино уйи пештоқлари фестивал эмблемаси ва турли тилларда ёзилган транспарантлар билан безанди.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида биринчилардан бўлиб мазкур анжуманга тайёргарлик ишларини IX Халқаро Тошкент кинофестивали бош дирекцияси виставка ва фестивални жиҳозлаш группасининг кинохотимлари бошлаб беришган эди. Эскизлар февралда тайёр бўлгач улар «Ўзбекфильм» киностудиясининг кичик павильонида асосий ишга киришдилар. Фестиваль бош расмони А. А. Чаткаускас, расмонлардан С. Синева, А. Соколов, Ш. Рашидов ва В. Бугаевларнинг ижодий меҳнати туғайли байрамона қиёфага кирган шаҳар кўриниши тошкентликлар ва меҳмонларга манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

Анжуманининг тантанали очилиши бўлиб ўтадиган В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройида сахнани жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етди. Саҳнани безаш ва жиҳозлаш ишларини Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Г. Брим бажарган.

Шеърят билан учрашув

Яқинда Тошкент Давлат медицина институтининг ёш ижодкорлар клуби аъзолари шеърят билан учрашув кечасини ўтказди. Қизиқарли шеърят кечасида Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати, шior Абдулла Орипов иштирок этди. У клуб аъзоларининг қизиқарли саволларига жавоб бериб, ўзининг янги шеърлеридан ўқиб берди.

Шундан сўнг ёш ижодкорлар клуби аъзоларидан Манзура Шералиева, Дилором Абдуллаев ва Дилбар Очилвалар шior шеърлеридан ўқидилар. Шеърят кечаси учрашув қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

М. БОЗОРБЕКОВ.

Шаҳримиз ва мамлакатимиз спорт майдонларида

«Пахтакор» — «Металлург» (Запорожье) — 1:2

«Пахтакор»нинг сафардаги дастлабки ғалабасидан кейин футбол ишқибозлари команда энди ўз ўйинини топпоқда, деб қувона бошлагандилар. Афсуски, бу қувонч узоққа бормасди. Мамлакат чемпионатининг ўн биринчи тур ўйинини ўз майдонида ўтказган тошкентликлар ўн тур мобайнида фақат икки марта ғалаба қозонган «Металлург» командасига 1:2 ҳисобида имкониятни бой беришди. Ягона жавоб тўпини И. Аҳмедов киритди.

Биринчи лига командалари ўртасидаги ўн биринчи тур ўйинларининг қолган матчида куйидаги натижалар қайд этилди: «Локомотив» — «Динамо» (Батуми) — 0:1, «Факел» — «Котайк» — 0:1, «Кубань» — «Искра» — 0:0, АСК (Ростов-Дон) — «Шинник» — 2:0, «Колос» — 3:0, «Карпати» АСК — «Ростсельмаш» — 3:1, «Нистру» — «Динамо» (Ставрополь) — 0:0, «Гурия» — «Ротор» — 1:0, «Спартак» — МАСК — 3:5.

Партия турмуши:

қайта қуриш қандай кетяпти?

Талабчанлик — давр тақозоси

Икки миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган Тошкентнинг «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бirlашмасининг коллективини нон маҳсулотлари билан таъминлаб турибди. Маҳсулот сифатини яхшилаш, турларини қўлайтиришга коммунист навоиллар муносиб ҳисса қўйишмоқда. Улар нонга масъулия билан ёндашмоқда. Технологияга қатъий амал қилишлари туфайли шахсий натижаларини яхшилаш билан бирга, бирлашма ютуқларини бойитишмоқда. 1-нон заводи обонин цехининг мастери Ф. Гутоская, 2-нон заводи макарон цехининг мастери Т. Ахмидова, 3-нон заводи лабораториясининг мудир Г. Шокирова, 4-нон заводи обонин цехининг мастери Т. Дониёрова, 5-нон заводи ишлаб чиқариш бўлимининг мудир З. Эрматов, бирлашма бош энергетиги З. Гойибназаров сингари ўнлаб партия аъзолари ишни ҳалол, виждонан бажаришда бошқаларга ўрнак қўрсатишмоқда. Улар жамоат ишларида ҳам актив иштирок этиб коллективда ҳамжиҳатлик муҳитини вужудга келтиришга.

Маълумки, КПСС XXVII съезди материалларида ишга ҳолисо баҳо бериш, камчиликлардан қўз юмсаллик, мавжуд нуқсонларни рўй-рост айтиш лозимлиги таъкидланди. Шундан келиб чиқадиган бўлса, бирлашма партия ташкилотининг фаолиятида ҳамон ташкилотчилик ва талабчанлик етишмаётганлигининг гувоҳи бўлган.

Шу йилнинг биринчи квартал давомида 2-нон заводи тайёрлаган 59 тонна маҳсулот савдо ташкилотларидан стандарт талабларга жавоб бермаганлиги учун қайтариб юборилди. Бу ноларнинг сифатсиз тайёрланганлиги учун 14 минг сўм жарима тўланди. 3-нон заводи 13



«Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озолиги учун!»

Салом, фестивалъ!

Эртара

тўқтинчи Халқаро Тошкент кинофестивали очилди. Кинотеатрлар, меҳмонхоналар бу анжуманга тайёр! Республикаси энгил ва маҳаллий сановат корхоналари ҳам у қитъа мамлакатлари кинематографлари учрашувига муносиб совғалар ҳозирлашди. Тошкентдаги «Ўзбекистон» меҳмонхонаси ҳам бу анжуманга пухта таратилди. Шу муносабат билан жамоатчи муҳбиримиз Ш. Мирҳабибов СССР чет эл урғиси Давлат комитетининг Тошкент бўлими бошқарувчиси Қ. Е. Тулганов билан учрашиб, суҳбатлашди.

Коллективимиз 1974 йилда биринчи марта кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонларини қутиб олганда, — деди Қурбонбек Ёқубович. — Уч қитъа кинематографчиларини биз еттинчи марта қутиб оламиз. Анжуман Тошкент Халқаро фестивали тобора катта ороб эътибор қозонмоқда. Қўпгина мамлакатлардан келадиган телеграммалар бунга яна бир бар тасдиқлаб турибди.

Хар бир кинофестиваль биз учун ўзига хос имтиҳон, кўрик вазифини ўтайди. Шунинг учун ҳам хар бир фестивалга пухта ҳозирлик қўламиз.

Меҳмонхона коллективи хар галидек бу гали кинофестивалга ҳам қизгин таратилди билан келди. Меҳмонхона атрофлари кўчаларини лаштирилди. Хоналар тўла ремонт қилинди. Ҳамма хоналарга телевизор, радиоприёмниклар қўйилди. Чет эларда ва Ватанимизда ишлаб чиқарилган кондиционерлар ҳамда бо

Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10